

**ТАРЖИМА САНЪАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҚОИДАЛАРИ, МУАММОЛАРИ ВА
ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Проф. Жамолиддин Ёқубов ЎзДЖТУ

Аннотация: В данной статье мы сосредоточились на двух аспектах искусства перевода: 1) История теории перевода и конкретные правила перевода, 2) Лингвистические проблемы перевода на разных языках и лингвокультурные особенности их перевода.

Abstract: In this article we focus on two aspects of the art of translation: 1) The history of translation theory and specific rules of translation, 2) Linguistic problems of translation into different languages and linguocultural features of their translation.

Ключевые слова: искусство перевода, перевод, переводчик, реалья, лингвокультурологический аспект, риторика, прагматика.

Key words: art of translation, translation, translator, reality, linguocultural aspect, rhetoric, pragmatics.

Мазкур мақоламизда биз таржима санъатининг икки қиррасига эътиборни қаратдик: 1) Таржима назариясининг тарихи ва таржима қилишнинг ўзига хос қоидалари, 2) таржиманинг турли тиллардаги лисоний омиллари ва уларни таржима қилишдаги лингвомаданий хусусиятлари.

Юқоридаги вазифаларни бажариш учун бизда тажриба ҳам, шарт-шароит ҳам етарли, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонда жаҳон халқалари билан турли соҳаларда олиб бориладиган кенг қўламдаги халқаро ҳамкорликнинг ривожланишида таржимонларнинг ўрни бекиёсдир.

Таржимашуносликнинг ўзига хос назария сифатида санъат даражасида ривожланишига таниқли тилшунос ва таржимашунос олимлар В. Комиссаров, А. Фёдоров, Л. Бархударов, Я. Рецкер, Ғ. Саломов, Қ. Мусаев, О. Мўминов, Ю. Найда, Ж. Кетфорд ва бошқалар катта ҳисса қўшди. Таржима назарияси борасида XX асрда амалга оширилган илмий ишларнинг, яратилган таржима мактабларининг мантиқий давоми XXI асрда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

Таржима – бу санъат демакдир, таржимоннинг санъати эса – бу ўз тушунчасини бошқа тилга таржима қилиб узатиш. Таржимон бегона воқеликни тўғри англаши, тушуниши, мулоҳаза қилиши, ёзувчининг ҳолатини кўриши, англаши, ҳис қилиши каби ҳолатларни тўғри таржима ёрдамида ўз китобхонига етказиб бериши лозим.

Ўзбекистонда таржима санъатини ривожантиришда Ғайбуллоҳ АС-САЛОМнинг фидокорона меҳнати ўта буюк ҳисобланади. Ғ. Саломов таржима санъати ҳақидаги фикрларини қуйидагича ифодалайди: “Таржима орқали **халқлар** бир-бирлари билан муомала қилганлар, **олимлар** бир-бирлари билан фикрлашганлар, **адиблар** бир-бирлари билан мулоқотда бўлганлар. Ҳамма замонларда – хоҳ адабий, хоҳ илмий, хоҳ сиёсий китоблар таржимаси бўлсин – халқ, у яратган ёки яратаётган **маданият, фан, адабиёт** ва **санъат** бундан фақат наф кўрган[Саломов 1983, 18-б.]

Таржима - **илм** ва **санъат**. У илм бўлганда ҳам, асрлар давомида не-не мутафаккирлар, турли соҳа вакиллари, ёзувчи ва шоирлар хаёлини банд этиб келаётган **мураккаб илм**, санъат бўлганда ҳам, **санъатлар шоҳи**. Ўзига хос **аҳамияти** ва **сиру-синоатларга** бойлиги жиҳатидан унга тенг келадиган санъат йўқ[Одилжон Сафаров 2024, 3-б.]

Ҳозирги даврда XXI аснинг замонавий таржимашунослигига жуда кўплаб ўзбек таржимонлари ва лингвистлари ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Булардан Хуршид Даврон, Муҳаммад Али, Иброҳим Ғафуров, Қудратхон Мусаев, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ғафуров, Шахриёр Сафаров, Ибайдулло Мирзаев, Муҳаммаджон Холбеков, Омон Мўминов, Бегойим Холбекова, Шухрат Сирожиддинов, Ғанишер Рахимовларни айтиб ўтиш лозим.

Маълумки, таржима инсон фаолиятининг энг қадимий турларидан бири бўлиб, у туфайли биз жамият тараққиёти тарихининг барча тафсилотларини очиқ-ойдин тасаввур этамиз. Таржима туфайли миллий адабиётларга янги ғоявий йўналиш, янгича сюжет, жанр, янги образ ва бадиий тасвир воситалари кириб келади. Шу маънода, таржимани аслиятни қайта яратиш, талқин этиш санъати деб таърифлаш мумкин.

Бизнинг назаримизда, таржима – бу бир тилдаги ахборотни бошқа тилда баён этиш демакдир. Таржима ва аслият матнларда аниқланган миллий маданиятларнинг ўхшашлиги ва фарқларини тадқиқ қилиш асос ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг собиқ биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Тарихсиз кележак йўқ” деган доно фикрларини давом эттирган ҳолда айтиш лозимки, ҳар бир тадқиқот объектининг ўз тарихи мавжуд. Жумладан, француз тилида таржима назариясининг ҳам ўзи хос тарихий ривожланиш босқичлари бор. Француз тили тарихи ва адабиёти таржима ҳақида кўплаб тарихий анъанавий бойликка эга. Жумладан, Е.Г. Эткинд ўзининг “Буюк француз таржимонлари” мақоласида “Францияда таржима тарихи” фожиа билан бошланди деб ёзган эди. Ушбу мақоланинг биринчи қатори француз Уйғониш даврининг инсонпарвари, таржимони, ёзувчи ва босмаҳона матбаачи Этьен Долега бағишланган.

Таъкидлаш лозимки, шахсан Этьен Доленинг француз тилига қўшган хизмати шундаки, у туфайли илк бор француз тилига **traducteur** (таржимон) ва **traduction** (таржима) сўзлари кириб келган. Энг муҳими Э. Доле асарининг тарихий хизмати шундаки, мазкур асар «Бир тилдан иккинчи тилга яхши таржима қилишнинг ўзига хос хусусияти» (“La maniere de bien traduire d’une langue en autre”) 1540 йили биринчи марта чоп этилди.

Э. Доленинг мазкур илмий иши таржима назариясининг прескриптив йўналишидаги бош манба бўлиб хизмат қилган. Муаллиф ўз асарида тўлақонли яхши таржима қилишнинг бешта қоидадини тақлиф қилади :

- 1) таржимон энг аввало муаллифнинг предмет ҳақидаги фикрини ва бу объект ҳақидаги унинг ҳукмини яхши тушунмоғи лозим;
- 2) таржимондан тил аслиятини яхши билиш ва уни юксак даражада таржима қилиш талаб қилинади;
- 3) таржимон матннинг асл нухасини сўзма сўз таржима қилмаслигини инобатга олмоғи лозим;
- 4) таржимондан таржима нормаларини яхши билган ҳолда умумий қўлланиладиган лисоний шакллар билан чекланиши талаб этилади, аммо янги лесик ибораларни ҳеч қандай ўйламасдан ўзича ихтиро қилиб, таржимага киритиши мумкин эмас;
- 5) таржимондан нотиклик нутқ нормаларига риоя қилиш талаб қилинади, айниқса, “гапларни бир-бирига боғлаш ва бирлаштириш қоидаларига нозиклик билан шундай ёндашиш керакки, унда инсон қалби фақатгина қаноатланиб қолмасдан, балки унинг қулоқлари эшитиб рохатланиши керак, чунки одатдаги нутқда бундай уйғунлик мавжуд эмас” [La maniere de bien traduire d’une langue en autre 1540].

Таржимоннинг **мақсади** – ахборотни узатиш дегани, бу бир тилни иккинчи тилга алмаштириш эмас, балки асосий матн мазмунидан келиб чиқиб, сараланган махсус тил воситалари орқали таржима моҳиятига мос келадиган муқобил таржимани беришдир.

Ҳозирги замон лингвистикасида “**таржима**” терминига **жараён** ва **натижа** деб таъриф берилган.

Т.В.Жеребилонинг лингвистик терминлар луғатида “таржима” терминига куйидагича таъриф берилган:

1. матн мазмунидаги ахборотни лисоний воситалар билан бошқа тилга узатиш;
2. икки ёки ундан ортиқ тиллар қиёслашининг мақсади улар орасидаги семантик хусусиятларнинг мос келишини қидириб топиш;
3. матн мазмунидаги ахборотнинг ғоясини тўла очиб бериш учун бошқа тилдаги воситаларни излаб топиш, шунингдек мазмун ва шакл нуқтаи назардан матннинг асл нусхасидаги мазмун моҳиятининг тўла очиб берилишининг таржимага мос келиши.
4. Социолингвистик нуқтаи назардан, таржимон таржима жараёнида чиройли талаффузга ва экстралингвистик характердаги маълумотга ҳам эга бўлиши лозим [Словарь лингвистических терминов. 2010].

А.Д.Швейцернинг фикрича, “**таржима**” бир йўналишдаги икки жараёни камраб олувчи мулоқатнинг тиллараро ва маданий фазавий жараёндир .

Таржима жараёни – ўта қийин, кўп аспекти, таржимондан нафақат лингвистик, аммо экстралингвистик, лингвомаданий билимларни ҳам талаб қилади. Таржима объекти ўта мураккаб жараёндир.

II. Таржима масалаларида 6 хил муаммо мавжуд: лексик-семантик, грамматик, синтактик, риторик, прагматик ва маданий (локализация-худудий).

1. Таржимада лексико-семантик муаммолар

Француз тилидан бошқа тилларга таржима қилишда ўзига хос муаммолари мавжуд. Лексик-семантик муаммолар луғатлар, изоҳли луғатлар, турли соҳалар бўйича, жумладан, банк соҳасига доир терминлар махсус экспертлар билан маслаҳатлашиш орқали ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммолардир. Ушбу ҳолатда матнларда терминларнинг ўзаро алмашиши хусусиятидан келиб чиқиб, неологизмлар, семантик лакуналар, синоним ва антонимлар лексик сатҳида икки ёки ундан ортиқ семантик маъноларни ифодалашига эътиборни қаратиш лозим.

Таржимоннинг вазифаси ўқувчига муаллиф мақсадини аниқ етказиш билан бирга фақатгина эксплицит ахборотни эмас, балки имплицит маълумотни ҳам тўғри узатиш лозим. Албатта, бу таржимон учун ўта мураккаб вазифа, таржимон доим ҳам яхши таржима қила олмаслиги мумкин, чунки турли хил тилларнинг дунёвий манзараси ва менталитети мос келмайди.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик мувофиқлик турлари : 1.Тўлиқ лексик мувофиқлик. 2. Қисман лексик мувофиқлик. 3. Умуман мос келмаслик. 4. Тўлиқ лексик мувофиқлик.

Мас., сўзларнинг полисемантик хусусияти: **house**(уй, бошпана, парламент ва ҳ.к., **head**(бош, калла, раҳбар, бошлиқ ва ҳ.к.), **serviette** (салфетка, сочиқ, портфель; папка)

Биз француз тилидан рус тилига таржима қилишда икки тил йўналишида тез-тез қийинчиликларга дуч келамиз.

Масалан, рус тилидаги *лиса, лошадь, собака, ворона, кошка* (тулки, от, ит, қарға, мушук) сўзлари аёл жинсига қарашли бўлса, француз тилида эса улар: *renard(m), cheval (m), chien (m),*

corbeau (m), chat (m) эркак жинсига мос келади. Демак, француз ва рус тилларидаги жинс категорияси доим ҳам бир-бирига мос келвермайди. Таржимон бадий асарни таржима қилишда ўша халққа хос қизиқ, ғайриодатий урф-одат ва реалияларини яхши билмоғи керак.

2. Таржимада грамматик муаммолар

Грамматик муаммолар, масалан, темпораллик, тус(аспект) категорияси (тус категориясини ифодалашда замонга нисбатан иш ҳаракатнинг давомийлик жараёни ёки ҳолатни ифодалашда феъл ва кишилиқ олмошининг қўлланиши, олмош билан феъл биргалиқда ифодаланганда турли семантик ҳаракатни, жумладан, ҳаракатнинг ривожланиши жараёни ёки ҳолатни кўрсатишга ҳизмат қилишини инобатга олиш лозим.

Масалан, инглиз, француз ва ўзбек тилларида сўз тартиби: **I go to school – Je vais à l'école – Мен мактабга боряпман. -S-P, - ўзб. SOP**

Француз тилидаги **tout** олмошини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу олмош ўзига хос семантик хусусиятга эга: биринчидан, ушбу олмошнинг мазмунини очиб бериш от олдида ёки отдан сўнг артик билан ёки артикисиз келишига боғлиқ, иккинчидан, **tout** олмошининг аниқ ёки ноаниқ артик билан келишини назарда тутмоғ лозим.

Француз тилидан рус тилига таржима қилиш жараёнида таржимон **tout** олмошининг кўп маънони англатишини билмоғи керак, жумладан, **tout** олмоши рус тилида "*весь*", "*целый*" ёки "*каждый*" маъноларини англатиб келади. Агар олмош от олдида аниқ артик билан қўлланса, **tout** олмоши француз тилидан рус тилига "*весь*" деб таржима қилинади. Масалан:

➤ *Il veut savoir toute la vérité . – Он хочет знать всю правду.*

➤ *J'y ai pensé toute la soirée. - Я думал об этом весь вечер.*

Агар олмош от олдида ноаниқ артик билан қўлланса, бу ҳолда **tout** олмоши француз тилидан рус тилига "*целый*" сифати ёрдамида таржима қилинади:

C'est tout un problème. – Это целая проблема,

Ce n'est plus un village, c'est toute une cité. - Это больше не деревня, это целый город,

Борди-ю **tout** олмоши от олдида артикисиз қўлланса, унда мазкур олмош француз тилидан рус тилига "*всякий, каждый, любой*" сўзлари орқали таржима қилинади.

➤ Қуйидаги мисолларни таҳлил қиладиган бўлсак, **tout** олмоши ўзига хос семантик маъноларни ифода этади:

➤ *Tout enfant a droit à l'instruction. – Каждый ребёнок имеет право на образование*

➤ *Contre toute espérance il a réussi ce role. – Вопреки всякому ожиданию эта роль ему удалась.*

Таъкидлаш лозимки, француз тилида ёрдамчи сўзлар катта роль ўйнайди. Юқорида мисоллардан кўриниб турибдики, артиклар отлар олдида келганда матннинг мазмунини сезиларли даражада ўзгартириб юборади. Жумладан, қуйидаги учта гапни қиёсий таҳлилга тортамыз ва бу ҳолатни гувоҳи бўламиз.

➤ *Je mange le chocolat. – Я ем шоколад.*

➤ *Je veux du chocolat. – Я хочу шоколада.*

➤ *J'ai mangé le chocolat. – Я съел целую шоколадку.*

Айтиш лозимки, француз тилида артик мавҳум тушунчани аниқ предметга айлантириб юбориш хусусиятига эга. Масалан: *l'attention* – внимание - диққат,

➤ *une attention* – знак внимания, подарок-эътибор белгиси; совға;

➤ *la beauté* – красота-гўзаллик, *une beauté* красотка - гўзал-соҳибжамол қиз..

3.Таржимада синтактик муаммолари

Синтактик муаммолар синтактик параллелизмлар, синтактик муносабатлар (бошқарув, битишув), феълларнинг активлик ва мажхуллик нисбати, гап ёки иш ҳаракатни ифодаловчи ҳикояларда воқеликнинг амалга ошиш жараёнини шакллантириш, риторик фигуралар шаклланишининг таркибий қисми, гап ва нутқларда сўз тартибининг ўзгариш ҳолати, шунингдек сўзларнинг анафорик хусусиятини гапнинг бошида, шеърларда ва фразаларда келишини инобатга олиш кузатилади.

White flag- оқ байроқ, **He laughed** – У кулди. **house-plan** -уй плани-план дома.

4. Таржимада риторик муаммолар

Риторик муаммолар бевосита ўқшатиш билан боғлиқ. Иш ҳаракатни мантикий фикрлаш стилистик фигуралар(воситалар) (қиёслаш, метафора, метонимия, синекдоха, оксиморон, парадокс ва бошқалар) ва дикция(чиройли талаффуз ёрдамида сўз ва гапларни аниқ-равшан айтиш) билан боғлиқ.

Il est têtu comme un âne– У эшакдек ўжар- У упрямый как осёл

Рус кишиси фарзанд кўрмаган одамга: **он был бездетен**- у бефарзанд эди – энг муқобил вариант-у **тирноққа зор эди** - жаранглироқ чиқади.

Бадиий матн таржимасини юқори савияда амалга ошишида таржимон куйидаги тил омилларига эътиборни қаратиш керак деб ўйлаймиз.

Таржима тарихий ўтмиш дунёси билан боғлиқ бўлса, таржимон дарҳол архив ҳужжатлар билан танишиб чиқиш даркор, шунингдек ўша давр ҳамма реалияларни билиши ва уларнинг бадиий асарлардаги таржимасини китобхонлар онгига қандай етказиб бериш масаласини ўйлаши зарур.

Биринчидан, стилистик услубларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш лозим. Бу ерда асосий эътибор фразеологизмларга қаратилади, баъзан уларнинг бошқа тилда муқобил варианты бўлмайди: жумладан, француз тилидаги фразеологизм “**avoir un rat dans la tete**” ни сўзма-сўз “*унинг бошида каламуш бор*” деб таржима қилинса, жуда кулгили бўлади, аслида у “*хомкалла, эси паст*” деган маънони англатади, ушбу фразеологик бирикма эса рус тили вариантда «без царя в голове» деб таржима қилинади.

Иккинчидан, таржиманинг сифатли чиқишида лисоний олам(дунё манзараси) нинг таъсири бўлади. Масалан, агар ўзбеклар ёки руслар акс урса «**Соғ бўлинг!- Будьте здоровы!**» дейилади. Французлар эса бу ҳолатни бошқача ифодалайди: «**A vos souhaits!**» – «**Пусть сбудутся ваши желания!**» – *Сизнинг истаklarингиз амалга ошсин*», «**A vos amours!**» – «*Пусть у вас будет удача в любви!*» - *Муҳаббатда омадингиз келсин!*».

Учинчидан, таржимон бадиий асарни таржима қилишда ўша халққа хос қизиқ, ғайриодатий урф-одат ва реалияларини яхши билмоғи керак.

Муайян бир халқ ва миллатга хос турмуш тушунчаларини англатадиган сўзлар – реалиялар дейилади. Масалан, испан тили адабиётини таржима қилишда *панчо (ёпингич), мачете (чолги-ўроқ), сомбреро (шляпа), фламенко (байрам)*, жазоир адабиётини таржима қилишда араб халқ ҳаётининг реалияларини: *кускус (таом), тамтам, сук (бозор) таржимон яхши билиши керак.* Француз таржимони учун эса рус ва ўзбек реалияларини: *самовар, староста, чойхона, маҳалла, маҳалла раиси, суннат, бешик тўйи* таржима қилиш анча қийинчилик туғдиради.

Юқоридаги айтилган лисоний омиллар таржима сифатига таъсир қилади, матн таржимасини сифатли амалга оширишда таржимон лексик ва синтактик трансформацияларга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

5. **Таржимада прагматик муаммолар:** Кишилик олмошларнинг фаол қўлланиш таржимаси мисолида.

Прагматика – бу одамларнинг тил бирликларига бўлган субъектив муносабатидир. Л.С. Бархударов Таржиманинг прагматик маъноларини ўрганишда ҳар бир сўзнинг лексик-семантик маъносини 3 типга бўлиб ўрганишни тавсия қилади: 1) сўзнинг стилистик характеристикаси; 2) сўзнинг регистри; сўзнинг эмоционал бўёғи.

Масалан, битта жумлада икки-уч хил прагматик эмоционал бўёқ учраши мумкин: **Please come in** (расмий), **Come in** (нейтрал), **Come in will you** (маиший, салбий бўёқли), **Get the hell in here** (фамиляр, салбий эмоционал).

Прагматик масалалар “сен” ва “сиз” олмошлари билан узвий боғлиқдир. Жумладан, ушбу олмошлар ёрдамида идиоматик фразалар, иборалар, диктон(мақол-матал ва ҳикматли сўзлар)лар, ирония(киноя, пичинг), ҳазил ва жаргонлар қўлланишида учрайди. Аммо бу қийинчиликлар бошқа қийинчиликларни ҳам ўз ичига олиши мумкин, масалан, инглизча-французча матн таржимасида кишилик олмоши "сиз". Бу ҳолатда таржимон “сен” ва “сиз” олмошларидан қайси бири матн мазмунига мос келишини ва уларни тўғри қўллашни ўйлаб кўришга тўғри келади. Агар “сиз” олмошини қўлласа, унда маъно ўзгариб, хушмуомалик категориясига айланиб кетиши мумкин. Бу ҳолат эса доим ҳам таржимага мос келавермайди.

6. Таржимада лингво-маданий муаммолар

Маданий муаммолар турли тилларда маданият ҳар хил бўлиб, улар ўша халқ маданиятини акс эттиради. Жумладан, ҳар хил миллатда таомларнинг номланиши ҳар хил, байрамлар ва ҳар хил маданиятни англатувчи урф-одатларни ҳам кўрсатиш мумкин. Таржимон эса ҳар икки тил соҳиблари маданиятини чуқур билиши ва англаши лозим. Фразеологик бирикма мисолида миллий колорит ёки бир миллатга хос бўлган тасвир таржимаси:

Немис тилида – Wenn die Hunde mit dem Schwanz bel-len(қачонки, итлар думлари билан аккилласалар) ибораси қўлланса, **инглизларда** - -when the moon turns green cheese(қачонки, ой яшил пишлокқ айланса) иборас анолог сифатида танланса, **француз тилида** - Quand les poules auront des dents(қачонки товукларнинг тишлари бўлса). **Рус тилида** – Когда рак свистнет на горе и рыба запоет(қачон тоғда қисқичбақа хуштак чалса ва балиқ куйласа) таржима қилинса, **ўзбек тилида** – “**туянинг думи ерга текканда**” иборасини танлаш мумкин. **Таъкидлаш лозимки**, диний эътиқодларни ўрганиш, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданияти билан танишиш.

Жумладан, бунга мисол қилиб француз тилига таржима қилинган оддий гапни келтириш мумкин: “Бир жазоир кишлоғида Лаид эль Кебир байрамига қўй сўйишган”. Баъзи талабалар ушбу гапни қуйидагича таржима қилишган: “«*On a tué un mouton pour feter Laid el Kebir dans un village algérien*”.

Бир кўринишидан ушбу гапнинг таржимаси тўғрига ўхшайди. Аммо талабалар ўша жойдаги мусулман урф-одати бўйича қўйнинг томоғидан сўйишини ҳисобга олмаганлар. Бу ерда таржима учун «забить-уриб ўлдирмоқ» (abattre), «убить-ўлдирмоқ» (tuer), «заколоть-санчиб ўлдирмоқ» (poignarder) феъллари мос келмайди. Бирдан- бир тўғри деб қуйидаги таржима вариантларини ҳисоблаш мумкин:

- «*On a égorgé un mouton pour feter Laid el Kebir dans un village algérien*»; ёки «*Dans un village algérien on a égorgé un mouton pour feter Laid el Kebir*».

Юқоридаги айтилган лисоний омиллар таржима сифатига таъсир қилади, матн таржимасини сифатли амалга оширишда таржимон лексик ва синтактик трансформацияларга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Шундай қилиб, мисоллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, таржима жараёнидаги асосий камчилик ва хатоларнинг сабаблари шундаки, икки халқ тили, уларнинг ҳаётидаги менталитетнинг бир-бирдан фарқ қилиши, турли халқ лисоний манзарасининг бир-бирига мос келмаслиги, таржима жараёнида турли хил касблар, нутқдаги шевалар, диний эътиқодлар, жаргон ва арголарнинг ҳар хил номланишини ҳисобга олмаслик, таржима сифатини пасайишига олиб келади.

Таржимон биринчи навбатда, асл нусхани тўла-тўқис идрок этиши, сўнгра уни ўз тилида беками-кўст қайта ифодалашни даркор. Филология фанлари доктори, кекса ёзувчи ва моҳир таржимон Корней Чуковский ўзининг «Искусство перевода» номли машҳур асарида куйидаги рус мақолини эпиграф қилиб олган эди: «Таржима худди хотинга ўхшайди: тўғри бўлса – чиройли эмас, чиройли бўлса – тўғри эмас». Бу мақол таржима санъатининг асосий хусусиятини, унинг заминидagi мавжуд зиддиятни жуда тўғри акс эттирган. Зеро, тўғри таржима этишни мақсад қилиб қўйган киши, кўпроқ, хижжалаб таржима қилишга, муддаоси чиройли таржима қилишдан иборат бўлган киши эса кўпроқ ўзини авторлаштиришга мойил бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008, 138-139 бетлар.
2. Кари Э. О переводе и переводчиках во Франции. В кн.: Мастерство перевода. М., 1966. С. 449.
3. Одилжон Сафаров. Антик таржимавий тафаккурни ўрганиш муаммолари ва уларнинг ечимлари. «Mymtoz soz», 2024. Б.-3.
4. Раҳимов Ғанишер. Таржима назарияси ва амалиёти. Дарслик-мажмуа. Тошкент 2016.
5. Саломов Ғ. Илмий ҳамкорлик ва фан тараққиёти хизматида// Таржима назарияси асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1983. 18-б.
6. Словарь лингвистических терминов. Изде 5 [Электронный ресурс]. – Назрань, 2010. – 280 с. – Режим доступа: <http://gerebilo.ucoz.ru/>
7. Таржима санъати. Мақолалар тўплами. Еттинчи китоб. Muharrir nashriyoti. Тошкент - 2023
8. Швейцер, А.Д. Теория перевода: Статус, проблемы, аспекты. – Изд. 3е – М.: Издательство: Либроком, 2012. – 216 с. –
9. Эткинд Е. Великие французские переводчики (новая книга Э. Кари). В кн.: Мастерство перевода. М., 1965, с. 467.
10. La manière de bien traduire d’une langue en autre fait par Estienne Dolet natif d’Orléans, 1540.
11. Merimée, P. Le Coup de pistolet. Traduit de Pouchkine [Texte] [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [www.titudorancea.fr./ z/prospere_merimée le coup de pistolet.htm](http://www.titudorancea.fr/z/prospere_merimée_le_coup_de_pistolet.htm)